

Шукур Холмирзаев 1940 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топди. У ўрта мактабни тугатиб, Тошкент дорилфунунида тахсил кўрди. Ижоди ўқувчилик йилларидан бошланди.

Шукур Холмирзаев hozirga kаdаr kitobхонларга жуда кўп хикоялар, бир неча кисса ва романлар тақдим этди. Унинг илк киссаси «Ок отли» тог болалари хаётидан хикоя килади.

Шукур Холмирзаевнинг талабаликда ёзилган «Тўлкинлар» (1963) повести замондошларимизнинг мураккаб тақдирини каламга олинishi ва ўзига хос махорати билан Абдулла Каххорнинг эътиборини тортган ва улкан адиб студент Шукурга мактуб битиб, уни кутлаган эди.

Ёзувчининг «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» (1965), киссаси авлодлар кисматига, аникроги ўз авлоди — тенгурлари хаётига багишланган бўлиб, вокелик илк мухаббат изтироблари тарихида тасвирланади.

Муаллифнинг кейинги ижоди — «Олис юлдузлар остида» «Хаёт абадий», «Огир тош кўчса...» хикоялар тўплами, «Сўнгги бекат», «Кил кўприк» «Йўловчи», «Олабўжи» романларидир.

Шукур Холмирзаев ижодининг алохида хусусияти шундаки, бу адиб ўзбек миллий хикоячилик санъатини устози Абдулла Каххордан кейин янги, юкори боскичга кўтарди. Унинг повест ва романлари ҳеч қолишга сигмас, теша тегмаган образ, характерларга бойлиги билан ажралиб туради.

Санъаткор драматургияга кўл уриб, «Кора камар» асарида босмачи тамгали ўзбек ватанпарварларини илк бор улуг озодлик, мустакиллик гоёси учун кахрамонона кураш олиб борган фидойи миллатпарварлар киёфасида хакконий бадий акс эттириб берди.

Шукур Холмирзаев асарлари турли тилларга таржима килинган.

Кейинги йилларда адибнинг «Бодом кишда гуллади» (1968), «Сўнмас олов» (1985)ъ «Тогларга кор тушди» (1987) асарлари яратилди. Яқинда эса унинг «Олабўжи» романи нашр этилди. У 1989 йилда Хамза номидаги Давлат мукофотига, 1991 йилда Ўзбекистон халк ёзувчиси упвонига мушарраф бўлган.

Шукур Холмирзаев ўзбек адабиёти тараккиётига муносиб хисса кўшиб келаётган санъаткорлардандир.